

Вилоят судьялари иштирокида Ўзбекистон туманида давра сұхбати үтказилди

Бугун, 30 ноябрь куни Ўзбекистон тумани Шўрсув шаҳарчасида жойлашган “ALBUS SEMENT GROUP” МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасида “Инвестициявий низоларни судда кўриб чиқишинг хусусиятлари” мавзусида давра сұхбати үтказилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди маълум қилмоқда.



Унда Фарғона вилоят суди раиси ўринбосари А.Мадаминов, вилоят суди судьялари М.Умаров, Б.Мамадалиев, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси М.Мирмақсудов, туман Адлия бўлими бошлиғи F.Санаев, тумандаги тегишли ташкилотлар мутасаддилари ҳамда “ALBUS SEMENT GROUP” МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонаси масъуллари иштирок этди.



Судъялар томонидан кун тартибидаги масала юзасидан тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилиб, қатнашчиларни қизиқтирган ҳуқуқий мазмундаги саволлариға батафсил жавоблар берилди.



Давра сұхбати давомида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тайёрланған “Инвестициявий низолар ва рақобаттаға оид ишларни суд мұхокамасыға тайёрлаш ва уларни күриш бўйича” қўлланмалар тарқатилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-11-30 17:26:12